# КАМОНДАН НАЙЗА ОТИШ БЎЙИЧА МАҲОРАТ ДАРСЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ

Миллий гвардия Қўриқлаш хизмати ва туман БЎСМ ҳамкорлигида Қумқўрғон тумани 33-умумтаълим мактабида камондан найза отиш бўйича маҳорат дарслари ташкил этилди.

Миллий гвария Қўриқлаш хизмати ходимлари томонидан ўқувчи ёшларга камондан найза отиш бўйича амалий машғулотлар олиб борилди.

Ушбу тадбирлардан кўзланган асосий мақсад аҳоли ва ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш орқали жисмоний қобилият ва

ҳаракат фаоллигини такомиллаштириш, соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш ва жисмоний тайёргарлик даражасини оширишдир.